Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 31 май 1968 йил, жума ◆ № 125 (13.987). ◆ Баҳоси 2 тийин

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА УЧРАШУВ

Бу учрашув театрга кираверишда бошланди. Бу ерда Ўзбекистон ва Тожикистон санъат арбоблари ўзбек профессионал театрини яратувчилардан бири, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Маннон Уйғурга ёдгорлик лавҳаси очиш маросимига тўпланган эдилар.

Республика Театр жамияти правлениесининг раиси, СССР халқ артисти Олим Хўжаев ёдгорлик лавҳасини оча туриб, Маннон Уйғурнинг Совет Ўзбекистони санъатига қўшган катта ҳиссаси ҳақида гапирди.

Ўзбекистон ва Тожикистон санъаткорлари учрашувини Ўзбекистон ССР маданият министри В. И. Зоҳидов очди.

Тожикистон ССР маданият министри М. Н. Назаров тожик театри ҳақида, Ўзбек саҳна усталарининг тожик театрини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси тўғрисида гапирди.

Учрашувда таниқли артистлар Н. Раҳимов, И. П. Шквалов, Тошкент театр-рассомчилик институтининг ректори Х. Абдуллаев сўзга чиқдилар.

Бу учрашувда Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Раҳимова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. К. Каримова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов ҳозир бўлишди.

ЯНА КЎРИШГУНЧА, ХАЙР АЗИЗЛАР!

ТОЖИКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИНИНГ ЁПИЛИШИ

Шу кунларда Ўзбеклар диёрида сон-саноқсиз марта янграган тожик суҳани, қўшиғи ва рақси бир бутун бўлиб, янги, гўзал симфония-қардош совет халқлари дўстлигининг симфонияси вужудга келди. Ниҳоят кеча ана шу симфониянинг якунловчи тароналари янгради. 30 май куни Тошкентдаги Алишер Навоий номли опера ва балет театрида Тожикистон адабиёти ва санъати декадасининг ёпилишига бағишланган тантанали кеча бўлди.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоли гига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, Н. Г. Ляшченко, М. М. Мусаҳонов, Ё. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов ўтиришибди.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Раҳимова, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. К. Каримова, Тожикистон маданият министри М. Н. Назаровлар ҳам президиумдан жой олганлар.

Президиум аъзолари орасида ижодий союзларнинг раҳбарлари, иккала қардош республиканинг таниқли адабиёт ва санъат арбоблари бор.

Кечани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов очди. Тожик адабиёти ва санъатининг декадаси, деди Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда муҳим воқеа бўлди. Республикаларимиз халқлари улуғ ва бузулмас қардошлигининг ёрқин намойишига айланди. Халқларимиз эзгу мақсад — коммунизм тантанасига Ленин кўрсатган йўлдан бир сафда бормоқдалар.

Декада совет ҳокимиятининг иккинчи 50 йиллиги бошланган бир пайтда ўтганлиги диққатга сазовордир.

Бизнинг диёримизда ўтказилган декадада қатнашмоқ учун тожик адабиёти ва санъатининг энг яхши, энг талантли намояндалари келиб, қардош тожик халқи социалистик маданиятини муносиб равишда гавдалантириб берганликлари, ўзларининг мислсиз ва ёрқин санъатлари билан миллионмиллион кишиларнинг дилини маф. тун қилганликлари учун биз Тожикистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан ғоят миннатдормиз.

Р. Н. Нишонов декада қатнашчиларининг Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиёлилари билан ўтказган жуда кўп учрашувлари ҳақида гапиради. Самимий хурсандчилик ва сидқидиллик вазиятида ўтган бу учрашувлар меҳнатчиларимизнинг қалбида чуқур из қолдирди, уларни меҳнат ва ижодда янги-янги зафарларга руҳлантирди. Декада кунлари республикаларимизнинг адабиёт ва санъат арбоблари янги вазифалар ва ижодий проблемалар ҳақида, партия XXIII съезди қарорлари асосида маданиятни янада ривожлантириш йўллари тўғрисида, социалистик реализм методи асосида асарларнинг ғоявий ва бадиий савиясини ошириш, профессионал маҳоратга тинмай сайқал бериш тўғрисида бафуржа гаплашиб олдилар.

Бизнинг давримиз қардош халқлар маданияти бир-бирини ҳамиша бойитаётган, мамлакатимизнинг бутун кўп миллатли социалистик маданияти манфаатлари йўлида, коммунизм қуриш манфаатлари йўлида бу маданиятларни янада гуркиратиб яшнатиш даври эканлигини тағин бир карра кўрсатди.

Ҳар бир миллий маданият ўзининг энг яхши миллий хусусиятлари ва анъаналарини сақлаб қолган ҳамда ривожланирган ҳолда бошқа социалистик миллатларнинг маданият соҳасидаги муваффақиятларидан ижодий фойдаланмоқда. Бинобарин, биз комил ишонч билан айтамизки, бу декада маданиятларимизни янада равнақ топтиришга, ижодий ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга, санъаткор зиёлиларнинг ижодий активлигини тағин ҳам кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистондаги тожик адабиёти ва санъати декадаси совет халқлари ажойиб дўстлигининг яна бир намойиши бўлди. Ленин партияси барпо этиб тош-метиндек мустаҳкамлаган бу дўстлик бизнинг энг табаррук, энг қимматли ютуғимиздир. Дунёда мамлакатимиз халқларининг дўстлигидан ҳам пишиқроқ ва мустаҳкамроқ куч йўқ. СССР халқларининг бузилмас қардошлиги — социализм ва коммунизм қуришдаги тарихий муваффақиятларимизнинг битмас-туганмас чашмаси, бундан буёнги ғалабаларимизнинг ишончли гаровидир. Биз бундан буён ҳам дўстлигимизни ҳар томонлама ривожлантириб ва мустаҳкамлаб бораверамиз. Бизнинг кучимиз, қудратимиз, бизнинг бахт-саодатимиз, улуғ коммунистик бунёдкорликнинг битмас-туганмас булоғи мана шу дўстликдадир.

Р. Н. Нишонов, кўп миллатли ягона совет оиласида ўзбек ва тожик халқларининг қардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган тожик адабиёти ва санъати декадасини ўтказган вақтда тожик халқи маданияти эришган муваффақиятларни республика меҳнаткашлари ўртасида пропаганда қилиш соҳасидаги катта ва самарали ишлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Тожикистоннинг бир қанча ижодий коллективлари ва ташкилотлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганлигини кеча аҳлининг қарсаклари остида маълум қилади.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова топширади. Ё. С. Насриддинова Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари номидан дўстларни қизғин қутлаб, уларга ва барча қардош тожик халқига коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.

СССР халқ артисти Олим Хўжаев тожик маданияти билан учрашувдан олган зўр таассуротлари ҳақида гапиради. Тожик саҳнасининг атоқли намояндаси, СССР халқ артисти Муқаммаджон Қосимов декада кунларини, ўзбек қардошларининг меҳмондўст диёрида ўтказган кунларини унутилмас кунлар деб атайди.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Раҳимовага сўз берилади. У Тожикистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати номидан, декаданинг барча қатнашчилари, бутун тожик халқи номидан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва ҳукуматига, бутун ўзбек халқига декада кунларини унутилмас ажойиб байрам кунларига айлантириб юборгани меҳмондўстлик ва ҳушнудлик учун, самимийлик ва сидқидиллик учун, эзгу қардошлик туйғулари учун, декада қатнашчилари мукофотланганлиги учун чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор қилади.

Биз ўзбекларнинг анъанавий меҳмон навозлигини азалдан билар эдик,—деди сўзини давом эттириб И. Раҳимова,—лекин бу сафар биз шу қадар зўр ҳарорат ва самимийлик билан, дилкашлик билан кутиб олиндикки, булар биз ўйлаганимиздан ҳам зиёда бўлди.

Сизлар бизга «Ўзбеклар — сизнинг уйингиз, тожик биродарлар!» дедингиз. Бу чин сўз эди. Сизлар бизга қучоқ очиб пешвоз чиқдингиз, ўзларингизнинг олий ҳиммат, покиза, саҳий қалбингизни очдингиз, бинобарин биз бениҳоя ташаккур ва миннатдорчилик ҳис-туйғуларига тўлиб тошганҳолда юртимизга жўнаб кетмоқдамиз.

Партиямизнинг ленинча доно миллий сиёсати қуёши остида гуллаб-яшнаган Совет Ўзбекистонининг ҳозирги порлоқ ҳаёти билан танишиб, унинг экономикаси ва маданияти нақадар ажойиб юксакликларга кўтарилганлигини кўриб, ғоят хурсанд бўлдик. Сизларнинг муваффақиятларингизга биз қанчалик қувонаётган бўлсак, сизлар ҳам республикамизнинг равнақига шунчалик қувонишингизни биламиз.

Тожикистон вакиллари республика шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари билан, маданият арбоблари, ёзувчилар ва шоирлар билан, бастакорлар ва рассомлар билан, кинематографчилар ва саҳна усталари билан Ўзбекистоннинг ўзига хос ҳаётбахш санъати намояндалари билан учрашдилар.

Мамлакатимизда анъана бўлиб қолган қардош халқларнинг барча маданият декадалари каби бу декада ҳам адабиёт ва санъат арбобларининг ижодий ҳисоботи доираси билангина чекланиб қолмади, бу декада халқларимиз интернационализми, бирлиги ва дўстлигининг тўлқинлантирувчи байрамига айланиб кетди. Улуғ Ленин ана шу дўстликни мустаҳкамлашни бизга васият қилган эди.

Бизнинг декадамиз барча совет кишилари, шу жумладан ўзбеклар билан тожиклар ҳам совет давлатининг асосчиси ва бутун пролетариатнинг йўлбошчиси В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўраётган кунларда ўтганлиги тожиклар диёри вакилларининг вазифасини тағин ҳам масъулиятлироқ қилди. Халқларимиз Ленин васиятларини муқаддас билиб сақлаб, кўп миллатли совет давлати куч ва қудратининг манбаи бўлган дўстлик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаб ва кўпайтириб бораётганликларини англаш билан фахрланамиз ва ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз.

Биз меҳнатсевар, талантли ўзбек халқига зўр меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан меҳмондўст Ўзбекистон диёридан жўнаб кетмоқдамиз. Биз сизлар билан батамом хайрлашаётганимиз йўқ! Биз сизларга — тез орада лиёдор кўришгунча хайр! демоқдамиз. Тожиклар диёрида кўришгунча хайр!

Нутқлар тугайди, сўнгра саҳнада тожиклар диёри гўё сеп ёйиб, катта концерт бошланади. Концерт тожик халқининг ўз озодлиги учун олиб борган кураш йўлини ҳикоя қилувчи адабий-музикали композиция билан бошланади. Бу композиция Садриддин Айнийнинг «Озодлик марши» билан тугайди. Тожик-совет адабиётининг асосчиси Октябрни ана шу озодлик марши билан қутлаган эди.

Саҳнада В. И. Ленин билан В. М. Фрунзе пайдо бўладилар. Ғ. Абдуллонинг «Озодлик тонги» пьесасидан кўрсатилган саҳнада Тожикистон ССР халқ артисти Н. Волчков билан Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Л. Карнеев қатнашадилар.

Доҳийнинг сўзларидан кейин хор Ленин партиясини шарафловчи қўшиқни улаб кетади.

Қардош республика санъат усталарининг концерти бугунги Тожикистон тўғрисида бамисоли марокли ҳикоя бўлди деб айтиш мумкин.

С. ФРОЛОВА,
Г. ЛИПШИЦ,
Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбирлари.

ДЕКАДА ҚАТНАШЧИЛАРИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Ўзбекистонда тожик адабиёти ва санъати декадаси қатнашчилари шарафига 30 майда қабул маросими ўтказдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Тожикистон ССР ижодий коллективларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Кўп миллатли ягона совет оиласида ўзбек ва тожик халқларининг қардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган Ўзбекистондаги тожик адабиёти ва санъати декадасини ўтказиш вақтида тожик халқи маданияти эришган муваффақиятларни республика меҳнаткашлари ўртасида пропаганда қилиш соҳасидаги катта ва самарали ишлари учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Тожикистон ССР Маданият министрлиги.

Тожикистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кинематография комитети.

Тожикистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Матбуот комитети.

Тожикистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Радио эшиттириш ва телевидение комитети.

Тожикистон Ёзувчилар союзи.

Тожикистон Рассомлар союзи.

Тожикистон Композиторлар союзи.

Тожикистон Кинематографчилар союзи.

Тожикистон Театр жамияти.

Тожикистон ССР «Билим» жамияти.

С. Айний номидаги Ленин орденли Тожикистон давлат опера ва балет театри.

А. Рўдакий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тожикистон давлат филармонияси.

Тожикистон «Лола» давлат ансамбли.

Тожикистон «Гулшан» давлат эстрада ансамбли.

А. Рўдакий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тожикистон давлат филармониясининг рубобчи қизлар вокал-хореография ансамбли.

Тожикистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Радио эшиттириш ва телевидение комитети халқ чолғу асбоблари оркестри.

Тожикистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Радиоэшиттириш ва телевидение комитетининг шашмақомчилар ансамбли.

Тожикистон телеграф агентлиги.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САҲИБОЕВ.

1968 йил, 30 май,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ИНДУСТРИЯСИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси хабар беради: республика саноатининг ходимлари беш йилликнинг учинчи йилида олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун мусобақани авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг кўпгина энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан беш ойлик планни муддатидан илгари, 29 майда бажардилар. (ЎзТАГ).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пилла сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика ҲУРМАТ ТАХТАСИга ёзиладилар:

Сурхондарё области (область партия комитетининг секретари **Н. Муродов**, область ижроия комитетининг раиси **М. Умаров**, область комсомол комитетининг секретари **Э. Ғафуржонов**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **М. Бигашев** ўртоқлар).

Жарқўрғон райони (район партия комитетининг секретари **Ч. Алматов**, район ижроия комитетининг раиси **Ч. Боймуродов**, район комсомол комитетининг секретари **Ю. Норқулов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **У. Ганиев** ўртоқлар).

Термиз райони (район партия комитетининг секретари **Ж. Чориев**, район ижроия комитетининг раиси **Х. Болтаев**, район комсомол комитетининг секретари **Т. Тагиев**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **И. Зоиров** ўртоқлар).

Шўрчи райони (район партия комитетининг биринчи секретари **Э. Рустамов**, район ижроия комитетининг раиси **Х. Бегматов**, район комсомол комитетининг секретари **Н. Норқобилов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **У. Мустафоев** ўртоқлар).

Қорақўл райони (район партия комитетининг секретари **Д. Қурбонов**, район ижроия комитетининг раиси **С. Жўраев**, район комсомол комитетининг секретари **У. Қаршиев**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Р. Якишев** ўртоқлар).

Тўрткўл райони (район партия комитетининг секретари **Й. Қурбонов**, район ижроия комитетининг раиси **У. Матиепесов**, район комсомол комитетининг секретари **А. Давлатқиличев**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **М. Авезов** ўртоқлар).

Қарши райони (район партия комитетининг секретари **Б. Элбоев**, район ижроия комитетининг раиси **Ю. Хушвақтов**, район комсомол комитетининг секретари **Э. Кароматов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Н. Сандов** ўртоқлар).

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

КПСС XXIII съезди тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошириш ва улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини катта ғалабалар билан кутиб олиш учун астойдил бел боғлаган Сурхондарё областининг қишлоқ хўжалик ходимлари бу йилни баракали бошладилар. Айниқса пиллакорларнинг ҳиммати баланд бўлди. Баҳорги об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгган область пиллакорлари давлатга пландаги 550 тонна ўрнига 555 тонна «кумуш тола» топшириб, йиллик планнинг муддатидан анча илгари ортиғи билан бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар.

Пилла тайёрлаш ва давлатга сотиш плани бултургига нисбатан 10 кун олдин бажарилди. Ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 330 тонна кўп пилла армуғон этилди. Сурхондарёликлар республика қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойида олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этишди.

Пилла топшириш йиллик планнинг муваффақиятли адо этилишига Жарқўрғон, Термиз, Шўрчи, Денов ва Шеробод районларининг фидокор меҳнат аҳли катта ҳисса қўшди. Жарқўрғон районидаги «Москва», «Коммунизм», Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги», «Намуна», Жданов номли, Шерободдаги Ленин номли, Киров номли, «Партия XXII съезди», Шўрчи районидаги Киров номли, Жданов номли, Деновдаги Калинин номли, Охунбобоев номли колхозлар ҳар қути уруғдан 75-80 килограммдан сифатли пилла топширдилар.

Областда 1000 дан ортиқ звено ҳар қути уруғдан 100 килограммдан ошириб ҳосил кўтарди.

Сурхондарёликлар мамлакат «кумуш тола» хирмонига пландан ташқари яна камида 60 тонна пилла тўкишга қатъий сўз бердилар.

Шаҳрисабз уруғчилик заводида уруғ 100 процент жонланди ва пилла қурти яхши ривожланди, ҳосил баракали бўлди.

Пилла териш ва давлатга топшириш давом этмоқда.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҒАЛЛАЗОРДА олтин бошоқлар серкиллаб турибди. Юқори Чирчиқдаги «Паркент» совхози далаларида ҳам шундай. Сиз бу суратда илғор комбайнчи Мирҳамид Эргашев, совхоз директори Ғани Аъзамхўжаев ва бош инженер Абдураҳим Турсунов ўртоқларни буғдойзорда кўриб турибсиз. А. Абалян фотоси.

МЎЛ ОЗУҚА

Чорва моллар учун қанча кўп ем-хашак жамғарилса, шунча яхши. Мол қишдан бақувват чиқади, чиқим бўлмайди. Совлиқлардан кўплаб эгиз олиш мумкин бўлади. Ҳар бир қўй бошига кўп жун етиштириш ва ялпи гўштни кўпайтириш имконияти яратилади.

Буни илғор фермалар ва отарлар тажрибасида кўряпмиз. Жуманазар Қувватов ва Бердиёр Нафасов ўртоқлар ўз отарларида ҳар йили етарли хашак тайёрлаб, қўйларни қишдан семиз асраб чиқадилар, кўзи олиш планини ҳамиша ошириб бажарадилар. Улар қиш қаттиқ келган йилда ҳам бирор бош қўйни нобуд қилмайдилар, гўштга топшириладиган қўйнинг тирик вазнини нормадан оширишяпти. Ҳар бир қўйдан уч килограмм ва ундан ошириб жун қирқиб оладилар.

Шўрчи яйловида қўй боқаётган Ж. Қувватов ҳозирдаёқ 75 центнер дағал хашак ўриб ғарам қилди. Т. Маматқулов, Э. Мирзаев, Б. Нафасов ўртоқлар ҳам ўз отарлари бўйича сервитамин, оқсил моддаси кўп бўлган читр деган ўсимликдан шунчадан хашак жамғардилар. Бу илғор чўпонлар икки ярим, уч-йилга етадиган ем-хашак тўплаш учун зўр ҳаракат қилмоқдалар.

Бу йил кўкламда ёғингарчилик кўп бўлди, ҳаводан кунора нам тушиб турди. Шу туфайли яйловлардаги табиий ўтлар худди бедадек ўсди. Биз хашак ўриш, ғарамлаш ва қишлов жойларига ташиб қўйиш юзасидан график туздик. Ҳар бир бўлим ва фермада биттадан ихтисослаштирилган хашак ўриш бригадаси ташкил этилди. Бешта хашак жамғариш бригадасига 21 та трактор, 17 та трактор сенокосилкаси, 5 та хашак тўдалаш машинаси, 13 та гележка ва бошқа транспорт ҳамда 325 киши ажратиб бердик. Хашак ўриш ва ғарамлаш юзасидан кунлик ва беш кунлик топшириқлар бердик.

Яйловлардаги пичанзорларни ҳисобга олиб, камида икки йиллик ёки икки план миқдорида ем-хашак жамғаришга бел боғладик. 3106 тонна дағал хашакни 6212 тонна қилиб бажаришга қарор қилдик. Лалмикор ерларга қунгабоқар ва маккажўхори экишни бир неча йилдан бери тажриба қилиб кўрган эдик. Амалда ёмон бўлмаяпти. Бу йил 240 гектар қунгабоқар майдонининг ҳар гектаридан 30 центнер ва 170 гектар лалми маккажўхорининг гектаридан 20 центнердан силосбоп кўкпоя олишни мўлжаллаб турибмиз. Кузда экилган буғдой ва арпа жуда яхши ривожланди. Гектаридан 10-12 центнердан дон олиш билан, унинг сомонидан кўп хашак тўплашни кутяпмиз.

Биз бўлим агрономлари ва зоотехниклари билан фикрлашиб, чорва учун илғари кўзда тутилган 3771 тонна ўрнига 9500 тонна сомон тайёрлашни мўлжаллаяпмиз. Яна кўп миқдорда янтоқ чопишимиз керак. Ўмуман бу йил пландаги 9317 тонна ем-хашак ўрнига 20.256 тонна озуқа тайёрлашни белгиладик.

Ҳамма бригадалар тегишли машина ва транспорт воситалари билан таъминланган ҳолда, яйловларда хашак жамғаришга киришди. Дастлабки беш кунликда 1330 центнер хашак ўрдик. Иккинчи беш кунликда эса буни 1800 центнерга етказдик. Ўртоқ Т. Хонқулов бошқараётган ферма коллективи хашак ўриш графигини анча ошириб бажарди. Беш кунда 530 центнер хашак ўрди.

Ўтган йиллари экилган 1125 гектар лалмикор ерда беда бор. Беда майдонларини эрта кўкламда узунасига ва кўндаланг-ига икки марта бороналаган эдик. Ундан кейинги кунлардаги ёғингарчилик туфайли беда жуда яхши, худди сувли ердагидек бўлиқ ўсди. Шу бедазорнинг ўзидан салкам уч минг тонна озуқа бирлигига тенг хашак жамғарамиз.

Лалмикор жойлардаги бўлиқ хашакларни тез суръатлар билан ўриб олиш ва ғарамлаш тадбирларини ғалла ўрим йиғими бошланганга қадар амалга ошириш учун бутун кучни сафарбар этганмиз. Хашак ўриш ва уни ташиб тўдалашда банд бўлган кишиларнинг меҳнатини намунали ташкил этишга катта эътибор бериляпти. Ҳар бир хашак жамғариш бригадасида иссиқ овқат пиширилади. Яхши ишлаган механизаторларнинг меҳнати тақдирланиб бориляпти. Шундай қилиб, бу йил кам деганда икки йилга етадиган озуқа тўплаймиз.

Р. РУСТАМОВ,
Самарқанд область, Каттақўрғон районидаги «Каттақўрғон» совхозининг директори.

ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАЙВЕРСИН

ЙЎЛЛАР ВА ҚАНОТЛАР

Улуғ пролетар ёзувчиси М. Горький доимо иккита улуғ орзуси ҳақида гапириб юрар экан. Биринчиси, рус халқининг ҳаётини бутун улуғворлиги билан гавдалантирадиган эпопея яратиш бўлса, иккинчиси, рус адабиётининг шуҳратини бутун жаҳонга тарқата оладиган ўрнибосар ёзувчиларнинг етишиб чиқишини ният қилар экан. У иккала ниятининг ҳам амалга ошиши учун тинимсиз ҳаракат қилди. Кўпдан бери қалбини ҳаяжонга солаётган «Клим Самгиннинг ҳаёти» эпопеяси устида иш ҳам бошлаб юборди. Иккинчи орзусининг амалга ошиши учун ҳам катта ишлар қилди. У ёш ёзувчиларнинг қўлёзмаларини кўрар, уларнинг хатига жавоб берар экан, доимо бир нарсани уқтиради. Ўз овозига эга бўлмаган, дердсиз сатрлар ёзган одам ижод осмонида парвоз қилолмайди.

Дарҳақиқат, ўзидан олдин ўтган санъаткорларнинг ижодий ишини бевосита давом эттириш ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Ўринбосар бўлиш, айни замонда устоз айтмаган гапларни айтиш, шу билан бирга ўзи яшаётган жамиятнинг етакчи тенденцияларини янгича бадиий тадқиқот қилиш ҳам демакдир. Биз ҳар бир ёш ёзувчи асарларини ўқиганимизда унинг ҳаётни тасвирлашдаги ўзига хос йўлини кўргимиз келади. Дилидаги гапларни самимий айтишини истаймиз. Ю. Акобировнинг «Дружба народов» журналида босилган «Тегирмон тўхтаганда» номли жажжи қиссасини ўқиганимда ана шу фикрлар ҳаёлимдан бирма-бир ўтди. Ю. Акобировнинг қиссасида тасвирланган воқеалар Ўрта Осиёда ижод қилаётган кўпгина ёш ёзувчиларнинг асарларида қаламга олинаётган темалар билан ҳамоханг. Айтайлик, ёшлар характерининг маълум бир шароитдаги шаклланиш процессини тасвирламаган ёш ёзувчи камдан-кам топилади. Лекин Акобировнинг «Тегирмон тўхтаганда» қиссасида шунчаки оддий воқеалар тасвирланиб, катта умумлашмалар чиқарилади. Қисса қаҳрамони Аэзаҳўжанинг дадаси ўлиб қолгач, у ўгай отаси билан колхоз тегирмонида ишлай бошлайди. Иш қийин эмас. Тегирмон бир маромда айланиб турибди. Ҳаёт ҳам бир текисда зерикарли бўлиб ўта бошлайди. Лекин қаҳрамоннинг ҳаёти бир тасодиф билан бошқа оқимга ўзгаради. Тегирмоннинг ўқи синиб қоладида улар қўшни қишлоққа кўчиб кетадилар. Мана шу ерда у кишилар ҳаётининг қанчалик мураккаб эканлигини, ҳатто туэуккина кўринган ўзининг ўгай отасининг ҳам қўли эгрилигини сезиб қолади. Бунинг устига Бунафшога бўлган севгиси унинг одамларга бўлган қарашини тубдан ўзгартириб юборади.

Қабиий илк қиссанинг ижобий баҳоланиши ва кенг ўқувчилар оммаси томонидан илиқ кутиб олиниши ёш ёзувчи зиммасига катта масъулият юклайди Ю. Акобиров ўзининг янги қиссаси устида анча вақт жиддий ишлади. «Мен севган қиз» қиссасида ёзувчи яна ўзи яхши билган, чуқур хис қилган тема — ёшларнинг севгисини қаламга олади. Қиссада қишлоққа практикага келган хамшира Роза билан Дадажоннинг илиқ ва айни замонда мураккаб муносабатларини тасвирлаш орқали ёшлар севгисининг янги қирралари ҳақида ҳикоя қилинади. Шу билан бирга турмушнинг тақозоси билан тугилиб келаётган янги тушунчаларни ҳазм қилолчаётган эскилик сарқити билан зақарланган одамлар танқид остига олинади.

Ю. Акобировнинг асарлари талантли ёш шоир М. Қаноатов ижоди билан ҳамоҳанг. М. Қаноатов шеърлар ва поэмаларида ҳам оддий воқеалардан катта фалсафий хулосалар чиқаришга интилиш кучли. У ўзининг «Йўллар ва қанотлар» тўпламидаги кириш сўзида «поэзия осмонидаги ўзининг юлдузига етишишини орзу қилганлигини» ёзади. Дарҳақиқат, тўрт томони тоғ билан ўралган қишлоқда туғилган М. Қаноатовнинг шеърлари Помир тоғидан учиб ўтиб. Иттифоқимиз китобхонлари қалбига бориб етмоқда. Унинг асарларида қаётий бўёқлар жилваланиб туради. Мен қачонлардир ўқиган «Баҳор ва гўзаллик», «Эй, ой сен бизга осмонда туриб нур қилма» каби лирик шеърлари ҳануз ёдимдан кўтарилган эмас. Лекин тўғрисини айтганда, мен шоирнинг поэмаларини кўпроқ ёқтираман. М. Қаноатовнинг Кавказ ҳақидаги лирик тасвирлари ва «Днепр тўлқинлари» номли поэмасини ўқимаган китобхон бугунги тожик поэмасининг аҳволи билан танишмаи, деб айтолмайди.

Шоирнинг ҳислар дунёси қанчалик ранг-баранг эканлигини тасаввур қилиш учун унинг «Ердаги юлдузлар» номли лирик поэмасини ҳудди шу темада ёзилган бошқа асарлар билан таққослаб кўриш ўринлидир Космоса ва инсоннинг заковатига бағишлаб кўп достонлар яратилди. Улардан ўзбек Ҳ. Ғафуров, Ҳ. Ҳалиев ва тожик М. Қаноатовларнинг асарларигина поэзияда янги гап бўлолди.

Ю. Акобиров прозада, М. Қаноатов поэзияда ўз йўлларини топишга ва уни мустаҳкамлашга, бинобарин ижод уфқида янада баланд парвоз қилишига чоғланаётирлар.

П. ШЕРМУҲАМЕДОВ.

Мавжуда ҲАКИМОВА.

БУ—СЕНИНГ ГУНОҲИНГ

Кетдинг-у, дилимда бир андиша қолди.
Очилмаган гунчадек яшириш туйғу.
Сен соҳилга урилдинг мисоли тўлқин,
Рози дилинг айтмай яна йўл олдинг.

Мана, сигаретанг ўчмабди ўти,
Тутуни қоплайди аста уйимни.
Кўзим ололмайман ундан, ўйимни
Занжир ҳалқасидай ўрайди тутун.

Айтчи, юрагимда оташ каммиди,
Ениқ сигаретанг ташлаб кетибсан?
Оташга оташни пайванд этибсан,
Шунчалар ёнганим ҳали каммиди?

Сигарет тутайди... ортади ўтим,
Агар ёниб кетсам — сенинг гуноҳинг.
Енмасам, дардимни ичимга ютиб
Сатрларга кўчар ранжим ва оҳим.

Эътибор ОХУНОВА таржимаси.

Ғаффор МИРЗО.

ВИСОЛ ЧАШМАСИ

Тоғ бағрида, тош кўзида бир чашма кўрдим,
Қандай қилиб йўл топдинг? деб бердим мен савол.
Тилсим ё сеҳринг борми, айт дея сўрдим,
Тош кўксини парчаладинг, қандай айтақол?
Шу дам чашма кўзгу бўлиб кўринди гўё,
Бир дилрабо саргузаштин айтди тасвирин:
Қадим замон шу тоғ юртда икки ёш, барно,
Яшар экан, севишаркан улар бир-бирин.
Чашма жойи бўлган улар наслига макон,
Икки дилдор тош деворга бош эгиб боққан,
Бири мардлик элин тенгсиз кўрки, навқирон,
Бири гулшан эл нигори, дилга ўт ёққан.
Қоя тоғнинг таг-тагида, харсанг тубида
Юз машаққат билан жилға қалқиб оқарди,
Тош тубидан икки қайноқ юрак нигоҳин,
Икки севги сўзин ҳар нун тинглаб боқарди.
Жилга тўхтаб, интилиб ишқ, иссиқ нигоҳга,
Тошни ялаб, сўнг ёрибди харсанг кўзини.
Жилга умрин раво кўрмай қоронги, чоҳга,
Кўрибди сўнг нурли олам узра ўзини.
Шундай хар нун кўрар экан ошиқлар васлин,
Улар севги сирларини сўйларкан унда,
Жим ўлтириб, қалблар ёниб чашма бўйида,
Ҳар иккиси сувга боқиб ўйларкан унда.
Чашма икки бу мусаффо севги нигоҳин,
Оташ юрак тўлқинини сўйлаб оқаркан.
Улар сўзи, севги куйи ҳароратидан
Шундай қайнаб, мангу тинмай куйлаб оқаркан.

НАЗАРМАТ таржимаси.

„ХИЁНАТ“

Тошкент театр-рассомчилик институтининг собиқ талабаси, эндиликда Тожикистон халқ артисти, актёр ҳамда режиссёр Тоҳир Собиров қардошларимиз адабиёти ва санъати декадаси муносабати билан ўзининг «Хиёнат» кенг экранли бадиий фильмини нозик дидли ўзбек томошабинлари ҳукмига ҳавола қилди. Истеъдодли режиссёр Тоҳир Собиров тарихий мавзуларда яратилган «Шоҳсанам ва Ғариб», «Судхўрнинг ўлими» фильмлари билан танилган.

Кескин сюжетли «Хиёнат»нинг дастлабки кадрлариёқ томошабинни оловли йилларнинг воқеалари ичига олиб киради. Фильм марказида гарчанд жасур ва тадбиркор, лекин бир оз ўзига бино қўйган шуҳратпараст Асад Махсум (Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Хабибулло Абдураззоқов) образи турса-да, воқеа Асадга қарши қўйилган соф ленинчи коммунист Ҳайдаркул (Тожикистон халқ артисти Ҳожикул Раҳматуллаев) орасидаги зиддиятнинг ечилиши жараёнида ривожлана боради.

Иқилобий отряд командири Асаднинг ўзи, хатти-ҳаракатлари ҳам зиддиятларга тўла. У қизил аскарларга бошчилик қилиб, бирин-кетин ғалабаларга эришаверади. Асад ўзини иқилоб фарзанди қис қилади. Иқилоб мени одам қилди, иқилобсиз мен жонсиз тан, иқилоб менсиз яшаши мумкин эмас, деб ўзини халқ ишидан юқори кўради. Ўзини ўзга мақташини, кўкларга кўтаришини севади. Кетма-кет эришган ютуқларидан сўнг ўзини буюк саркарда даражасида кўради.

Асад шахсиятпарастлиги туфайли атрофида бўлаётган воқеаларнинг туб моҳиятини тушуниб етмайди. Унинг табиатидаги қусурдан мақкор жосус Ғаффорхўжа (Тожикистон халқ артисти Абулхайр Қосимов) устаник билан фойдаланади. Оташин коммунист комиссар Сафарни сотқин деб Асад қўли билан ўлдиришга муваффақ бўлади. Тажрибали ҳарбий саркарда Шимкунас ҳам заҳарлаб ўлдирилади. Шунда ҳам Асад Ғаффорхўжанинг жосуслигини сезмайди. Бу ўринда актёр Абулхайр Қосимовнинг жосус ролини ниҳоятда усталик, катта маҳорат билан ўйнаганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

КИНО

Собиқ ишчи, иқилобий қўмитанинг раиси Ҳайдаркул сиркаси сув кўтармайдиган Асадни зимдан кузатиб юради. Унга Асаднинг салга ловуллаб кетиши, ўзига ҳаддан ташқари зеб бериши ёқмайди. Уни тўғри йўлга солиш учун қилган ҳаракатлари зое кетади. Кўза синганч, уни чегаланган билан бутун бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ҳайдаркул Асад отрядига тажрибали революционер, оташин ленинчи коммунист Шимкунасни (артист А. Баранов) комиссар қилиб тайинлайди. Асад шунда ҳам ўзини «жиловлатмай», билганидан қолмайди.

Қинғир ишнинг охири вой. Асадни жиноят гирдобига тушириш жосус уни ҳалок қилади. Асадни жосус эмас, шуҳратпарастлиги ҳалок этади.

Диққатга молик образлар сифатида Сафарнинг хотини Бибиражаб (артистка Нозикмо Шомансурова), Низомиддин (СССР халқ артисти Олим Ҳўжаев), Жаббор қўрбоши (артист Қ. Ҳўжаев), Шимкунас (артист А. Баранов)ларни кўрсатиш мумкин.

Фильмда чала образлар ҳам йўқ эмас. Комиссар Сафарнинг ўғли Карим артист Самад Эргашев ижросида шошқалоқ, мантиқсиз ҳаракатлар қилувчи типдан нарига ўтолмайди. Фикримизнинг далили тариқасида Каримнинг қўрбоши билан учрашув лавҳасини эслаш кифоя.

Артистка Зулфия Ҳасанова ижро этган Саодат образи ҳам камчиликлардан ҳоли эмас. Бу образнинг зиддиятлари яхши асосланмаган.

Фильм камчиликларидан яна бири Асаднинг боёнларча турмушида қузатилади. Ахир иқилоб душманлари билан қонли уруш давом этаётган очарчилик ҳукмрон бир давр бўлсаю, қизил аскарларнинг командири шоҳона уйларда базму-сафо қилса. Бу образни ҳаққонийликдан маҳрум қилгандай туйилади.

Фильм баъзи камчиликларидан қатъи назар Тожикистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш, йигирманчи йилларнинг оловли воқеаларини жонлантириш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Фильм оператори Анвар Мансуров мазкур асарда юксак истеъдод эгаси эканлигини намоён этиб, катта маҳорат билан суратга олган кадрлар ниҳоятда кўп. Манзара ва деталларни беришда ракурс ҳамда турли бўёқлардан ўринли фойдаланилгани йигирманчи йиллардаги воқеаларнинг ишонарли чиқишини таъминлаган. Бир неча юзлаб отлиқлар иштирок этган омманий саҳналар ҳам, жанг манзаралари ҳам ниҳоятда усталик билан лентага муҳрланган.

Фаттоҳ Одинаев басталаган куйлар фильм қаҳрамонларининг ички кечинмалари, манзараларни ҳаққоний чизишга катта ёрдам берган.

Фильм ғоявий-бадиий жиҳатдан пухта ишланган. Асарнинг тарбиявий аҳамияти ҳам юксак. Ундаги иқилоб ишига охиригача содиқ қололмай, хиёнат йўлига ўтган, омма ҳаракатидан ажралиб қолган шахслар фожиаси ишонарли кўрсатилган.

Шавкат МИРАЛИМОВ.

Партия турмуши

ИНТЕНСИВЛАШ ЖОНКУЯРЛАРИ

— Колхозда кимлар иш боши?

— Коммунистлар.

— Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантиришнинг ташаббускорлари, жонкуярлари кимлар?

— Коммунистлар.

Дарҳақиқат, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг коммунистлари хўжаликнинг ҳар бир соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Ишнинг энг оғир участкаларида коммунистларни учратасиз. Кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, экинлардан мўл ҳамда арзон ҳосил етиштираётган кишилар ҳам коммунистлар. Ҳар жабҳада социалистик мусобақада ғолиб чиқаётган кишилар кимлар деб сўрасангиз, одамлар сира иккиланмай:

— Коммунистлар, — дейишади.

Колхоз партия ташкилоти ҳисобида 111 коммунист бор. Хўжаликнинг етита участкасида бошланган партия ташкилотлари иш олиб боряпти. Бу — катта куч. Ана шу кучга таянган партия ташкилоти сиёсий-хўжалик вазифаларини изчил бажармоқда. Ўтган йили 2350 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 25,1 центнер ўрнига 28 центнердан ошириб «оқ олтин» топширилганида ҳам колхоз коммунистларининг алоҳида ўрни бор.

Ҳар қандай катта ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ эканлигини яхши англаган партия ташкилоти хўжаликка раҳбарликни куч сайин яхшиламоқда. Партия комитети аъзоларидан А. Ким, Х. Бердиқулов, Ш. Худойбердиева, О. Аюпов, А. Усмонов, У. Алибеков, Х. Элчиев, Х. Пўлатов каби жонкуярлар хўжаликнинг масъулиятли участкаларига биркитиб қўйилган. Партком секретари Мусулмонқул Ҳамроев комитет аъзоларининг иши устидан назорат қилиб боради. Ҳар қайси участкада қандай ишлар қилинаётганлиги, партия ташкилотининг қарорлари, юқори партия ва совет органларининг топшириқлари нечоғли бажарилаётганлигини текшириб туради. Бу эса комитет аъзоларининг ишдаги масъулиятини оширмоқда.

Бундан бир неча йил илгари колхозда техника етишмасди, механизатор кадрлар оз эди. Экин майдонларини бегона ўтлар босиб кетган эди. Бунинг устига, ирригация-мелиорация тадбирлари амалга оширилмаганлиги учун тупроқ структураси анча бузилган эди. Оқибатда пахта гайёрлаш йиллик плани бажарилмай қоларди.

Партия ташкилоти, коммунистлар, активлар биргалашиб қатъий тадбирлар белгилаб олишди ва шу тадбирларни турмушга татбиқ этишга киришишди. Қўшимча равишда техника сотиб олинди. мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Колхознинг ўзида трактор чилар курси очилди, кўпгина ёшлар райондаги курсларда таълим олиб қайтишди. Ирригация-мелиорация ишларини йўлга қўйишда коммунистлар етакчилик қилишди. Юздан ортиқ мутахассис кадрлар хўжаликнинг турли соҳаларида ишлай бошлади. Натижада планлар, социалистик мажбуриятлар мунтазам ортиғи билан бажариладиган бўлиб қолди. Бир вақтлар кам ҳосилли, деб ҳисобланган ерларда пахтадан катта хирмон кўтарилди.

Шу хусуда бир неча мисол келтирмоқчимиз. Максим Горький номли участкадаги звенога коммунист Маҳкам Рихсибоев бошчилик қилади. Бир вақтлари бу звено ҳар гектар ердан 14 центнердан ҳосил топширган эди. М. Рихсибоев ҳосилдорликни кўтариш йўлида жонбозлик кўрсатди, звенони комплекс механизациялашган звенога айлантирди. Звено пахтакорлари ишларнинг кўпчилигини механизацияга юклаб, бу соҳадаги илғор тажрибаларни қунт билан ўрганишди. Агроном коммунист Али Илёсов билан ҳамкорликда ернинг структурасини текшириш-дан ўтказишди, илғор фан ютуқларига амал қилиб янгиликка интилишди. Пировардида янгилик ғолиб келди. Юбилей йилида 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштиришди. Бу, планда кўзда тутилганидан гектар бошига 8 центнер кўп демакдир.

Партия ташкилоти барча звеноларни комплекс механизациялаштирди ва уларга бошлиқ қилиб ишчан коммунист ҳамда комсомолларни юборди. Барча звеноларда меҳнатга ҳақ тўлаш янгичасига ташкил этилди. Чунончи, одамлар қилган меҳнатларининг миқдори ва сифатига қараб ҳақ оладиган бўлдилар. Бу эса моддий манфаатдорликни оширди, маҳсулотнинг таннархини камайтиришга яхши таъсир кўрсатди. Хўжалик ҳисобининг дадил жорий қилиниши комплекс механизациялашган 25 та звенонинг ҳаммасида меҳнат унумдорлигининг ошишини, маҳсулот етиштиришнинг кўпайишини таъминлади.

Шуниси характерлики, жуда кўп звеноларда пахта ҳосилдорлиги кейинги бир йил ичида гектар бошига 10-12 центнер кўпайди. Лоақал коммунист Бейсен Имомов звеносини олиб қарайлик. Звено бултур 37 гектар ерга чигит экди. Ерларни яхши ишлади. Ўғитларга гўйдирди. Ҳар туп ниҳолни обн-тобида парвариш қилди. Шу туфайли ҳар гектар ердан пландаги 21,7 центнер ўрнига 34,4 центнер «оқ олтин» олди. Ялпи ҳосилнинг 90 процентидан кўпроғи машинада терилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳозир колхозда 46 та комплекс механизациялашган звенолар бор. Бу звеноларга кўп йиллик тажрибаларга эга бўлган, ишни кўзини биладиган, одамларга, техникага муҳаббат қўйган, кишилар қалбига йўл топадиган коммунист ҳамда комсомоллар бошчилик қилишяпти. Шу боисдан ҳам хўжаликнинг муваффақиятлари ортиб бормоқда, кам меҳнат ва маблағ сарфланиб, катта хирмон кўтарилмоқда, маҳсулот арзонга тушмоқда.

Коммунистлар беш йиллиқнинг учинчи йилида ҳам ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Улар беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажарамиз, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб оламиз, деган шиорни олға сурмоқдалар.

Бу йил қирқ центнерчилар ҳаракатини ҳам коммунистлар бошлаб беришди. Колхоздаги механизациялашган звеноларнинг ярмидан кўпи ана шу ҳаракатга қўшилиб, чигит экишни қисқа муддатда ўтказди. Колхоз эса 2 минг гектар майдоннинг ҳар гектардан пландаги 25,6 центнер ўрнига 30 центнердан пахта топширмоқчи. Ҳозирги ишларнинг мазмуни ҳам шунга қаратилган. Барвақт экилган майдонларда чигит қийғос унib чиқиб яшил квадратлар ҳосил қилди ва парвариш давом этмоқда.

Пахта теримини механизациялаш қўлами янада кенгаяди. Бу ишлар колхоз партия ташкилоти тузган ва ҳамма маъқуллаган тадбирларда ҳам ўз аксини топгай.

А. РАҲИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Суратда: Самарқанд шойи тўқиш фабрикаси тайёрлов цехининг илғор ишчиси Фотима Исмоилова. Сал кам киз йилдан буён шу ерда ишлаётган бу пешқадам ишчи смена топшириқларини 120-130 процент адо этишга эришмоқда.

А. ТУРАЕВ фотоси.

ЗИЁКОР

Шамолдай елиб келаётган «тез ёрдам» машинаси республика кўз касалликлари клиникаси касалхонаси олдида тўхтади. Икки ишчилар чамасидаги қизчани қабулхонага олиб киришди. Ранги девордек оқарган, хушсиз қизнинг кўзи жароҳатланган эди. Жонкуяр шифокорлар дарҳол операция қилиш чораларини кўриша бошлашди.

Ярим кеча. Сокинлик... Ҳамон чироғ порлаб турган операция хонасида тиним йўқ. Ниҳоят операция тугади. Врачларнинг чеҳрасида табассум. Жаррох Фотиҳ Назиров пешанасида йилтиллаган тер томчиларини артаркан, муваффақиятли ўтган операциядан мамнун эканлиги чеҳрасидан билиниб турарди.

Фотиҳ ёшлигидаёқ шифокорлик касбига эътиқод қўйди. Ўрта мактабни тугатгач Тошкент Давлат медицина институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди. У институтни муваффақиятли битириб, Юқори Чирчиқ районидаги район шифохонасида кўз врачи бўлиб ишлади. Кўп ўтмай врачлар малакасини ошириш клиник ординатурада ўқиди. Сўнг 15-шаҳар касалхонасида клиник ординатор бўлиб ишлади. Юзлаб беморлар кўзини даволаб, уларга зиё бахш этди. Кишиларга жонкуяр ва меҳнатсевар йигитнинг номи эл оғзига тушди, Обрў-эътибор қозонди.

Ҳа, эл ҳурматига сазовор бўлиш, инсон учун катта бахт.

Ш. НАЗАРОВА.

ТУҲФАТ ЎРНИДА

НОШИР ВА ШОИР

Инсон пешаси қар турли. Биров от суради, биров — қалам. Биров тош тарошлайди, биров — қўшиқ. Биров зар қайнатади, биров — юрак. Лекин ҳаммалари ҳам тарих саҳнасининг баб-баравар иштирокчилари. Меҳнатлари ила ҳаётга зийнат ва оройиш кўргузадилар. Шу тоифа заҳматкашларнинг бири — Насрулло Охундий. Адабиётимиз ва журналистикамизнинг кизил гвардиясига мансуб шоир ва журналист, таржимон ва ношир колхозлаштириш ҳаяжонларини баралла куйлаган, стахановчилик зафарларини чевар рақам этган, матбаа цехлари ва халқ қурилишларида олов ёшлиги чиниққан, Ҳамид Олимжон ва Усмон Носир, Шайхзода ва Миртемир тўпида мушонра қилган ҳаққийла инсон бугун 60 ёшини табаррук қиляб турибди.

Олтмиш ёш!.. Совет заминида олтмиш йил яшаш, беш мучаси бутун бўлиш ҳеч гап эмас. Ғафур Ғулом таъбири билан айтганда, олтмиш — совет гражданининг ўртакай ёши. Айни ҳосил йигадиган ёш. Насрулло Охундий ана шу катта ёшига файз-барака билан келди. Унинг ижодий багажида шеър тўпламларини ва бурро таржималарни, публицистик мақолаларни ва адабиёт ҳақидаги ўйларни кўриш мумкин. Унинг меҳнатидан ҳамиша шеърият гуркирайди.

Уч ойлигида онадан думалоқ етим қолган.

Интернат тарбиясини кўрган Насрулло Самарқандаги маориф институтида таҳсил кўрди, педагогика академиясининг икки курсини тамомлади. 1931 йили уни Тошкентга чақириб олишди. Бу вақтда китобхонлар қўлига унинг тўнгич асари — «Большевиклар қадами» шеърлар тўплами теккан эди. У журналистликни «Вожатий» журналидан бошлади. 1935 — 37 йиллар, «Ёш ленинчи» газетасининг макетларини тузди. 1937 — 39 йиллар Ўзбекистон ёзувчилар союзининг масъул секретарлиги лавозимида ишлади. Шиддатли уруш йиллари Ўзбекистон радиосидан бардам овози эшитилиб турди — сўнгги ахборот редакциясининг муҳаррири эди. 1943 йили фарҳодчилар билан қол кўпорди. Уч йил «Фархадстрой»да «Халқ қурилиши» газетасига қўл қўйди, «Фархадстрой» ГЭС объектининг сиёсий бўлим бошлиғи бўлиб ишлади.

Улуғ Ватан урушидан кейин Насрулло Охундийнинг ижоди айниқса барқ урди. Унинг қаламидан кўп таржималар чиқди. Насрулло Охундий совет адабиёти таржимачилигининг олтин меросига Анатолий Гидаш шеърларини, Максим Горькийнинг «Лочин қўшиғи», А. С. Пушкининг «Полтава», Тарас Шевченконинг «Гайдамаклар» ва «Катерина», П. Анголъскийнинг «Ўғил» поэмаларини қўшди. Низомий Ганжавийнинг «Лайли ва Мажнун» достони Охундий қаламидан ўзбекча сайқал олиб, озарбайжон ва ўзбек халқларининг адабий алоқаларини яна ҳам мустаҳкамлаган бир кўприк бўлди.

Халқимиз, ҳукуматимиз хормас ва толмас ижодкорнинг қалб қўри ва меҳри билан яратилган асарларини, ижтимоий хизматларини муносиб баҳоларди.

Насрулло Охундий ҳозир «Внешторг» нашриёти Ўрта Осиё бўлимининг директори. Катта ташкилотчилик иши билан машғул. Иш столида эса сўнгги саҳифалари пардозлан чиқаётган «Уч тақдир» романининг қўлёзмаси.

60 ёш бош устига! Меҳнат ва ижод тўйи муборак.

ТЎҚҚИЗ ҚАВАТЛИ УЙЛАР

Чилонзор массивининг 7-кварталы Оқтепа массиви кўприги билан туташадиган майдон биқинида тўққиз қаватли иморатлардан 3 таси барпо этилмоқда. Ана шу учта баланд қомат иморат бошқа уйларга қараганда алоҳида савлат ва виқор билан кўзга ташланади. Уларни Украинанинг Киев ва Донецк шаҳридан келган бинокорлар қурмоқдалар.

Александр Григорьевич шу уйлар қурилишига прорабликқилади. Прорабнинг ҳисобкитобига қараганда, бу иморатлар нари-бериси бир ҳафта ичида фойдаланишга топширилади. Ҳозир энг охирги ишлар бажарилмоқда. Хоналарнинг ичида пардозлаш ишлари тугалланди ҳисоб. Қурилиш ишларини тезлаштиришда Василий Лебедь бошлиқ дурадгорлар бригадаси, Ранса Мясоедова раҳбарлик қилаётган бўёқчилар бригадаси, Александр Фисенко иш боши бўлган комплекс бригада аъзолари намуна бўлмоқдалар. Улар смена нормаларини 140—170 процент бажаришяпти.

А. КИМ.

Тошкент шаҳри.

Иқтисодий ислоҳот амалда

ИЛК ТАЖРИБА САБОҚЛАРИ

Ф. ҚУҚОНБОЕВ,
Ўзбекистон ССР енгил саноат министри.

Экономиканинг ҳозирги ривожланиш босқичи катта самаралар бермоқда. Бу ҳол халқ хўжалигини ривожлантиришнинг шу кеча-кундузги суръатлари, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши ва халқ фаровонлигининг тинмай юксалиб бораётганлигида ўз аксини топмоқда. Партиямиз XXIII съездида, яқин йилларнинг энг муҳим вазифаларидан бири планлаштириш ҳамда моддий рағбатлантиришнинг янги системасини турмушга тўла-тўкис татбиқ этишдан иборат, деб кўрсатилган эди. Бизнинг министрлигимиз корхоналари меҳнаткашлари ҳам ана шу шарафли вазифани амалга ошириш учун дадил юриш бошладилар.

Енгил саноат министрлиги корхоналари хўжаликни бошқаришнинг янги системасига кўчиш учун пухта тайёргарлик кўрдилар. Натижада 1966 — 1967 йилларда министрликка қарашли 8 тармоқ бўйича 30 корхона шу системада ишлашга ўтди. Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмаси хўжаликни бошқаришнинг янги системасига биринчилар қатори ўтган эди. 1967 йил биринчи кварталида ип газлама, ипак ва қисман трикотаж тармоқлари корхоналари, иккинчи кварталдан кўн ва пойафзал саноати корхоналари, учинчи кварталдан саноатнинг кўн-галантерея корхоналарида планлаштириш ҳамда моддий рағбатлантиришнинг янги системасида ишлашга кўчирилди. Шу йил биринчи кварталидан трикотаж саноати корхоналари ҳам шундай система асосида ишлай бошлади.

Ҳозирги кунда кўпчилик корхоналар янгича ишлашнинг афзалликларини пайқаб олди. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, янгича ишлаётган корхоналар министрлик бўйича сотилаётган маҳсулотлар ҳажмининг 50 процентини бермоқда. Шу йил планига кўра, бундай корхоналар 627 миллион сўмлик ёки министрлик бўйича ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг 68,4 процентини тайёрлаб бериши керак.

Янгича система жуда яхши натижалар бераётганлигини ўтган йилги якунлардан ҳам пайқаб олиш мумкин. Ўтган йили бундан олдинги йилларда эришилган техника-иқтисодий кўрсаткичларга қараганда анча юксалишга эришилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, товарларнинг тез реализация қилиниши, фойда олишнинг кўпайганлиги, рентабелликнинг ортганлиги, меҳнат унумдорлигининг кўтарилиши ва бошқа кўрсаткичлар бўйича анча илгарилаб кетилди.

Бир қатор ташкилий-техникавий тадбирларнинг ва тайёргарлик ишларининг амалга оширилиши йўли билан ички резервлар аниқланди ва ишга солинди. Корхоналар реализация қилинадиган маҳсулотлар ҳажмини 2 миллион сўмга ва олинадиган фойдани 1,9 миллион сўмга кўпайтириш бўйича қўшимча мажбуриятлар қабул қилдилар. Маҳсулотларни реализация қилиш планини кўпайтириш ва олинадиган фойда ҳажмини ошириш масаласида корхоналарнинг ўзи ташаббус кўрсатганлиги хўжаликни бошқариш практикасида янги бир воқеа деб баҳолашга арзигулик.

Бунда, шубҳасиз, иқтисодий омиллар — корхоналарда муқофотлаш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондлари ташкил қилинганлиги асосий манба бўлди. Янги шароитда ишлаётган корхоналар беш йиллиқнинг иккинчи йилида планни маҳсулотларни реализация қилиш ҳажми бўйича (олинган мажбурият ҳам шу ҳисобга киради) 100,3 процент, фойда олиш бўйича 103,9 процент бажардилар. Тайёрланган маҳсулотларни реализация қилиш ҳажми 1966 йилдагига нисбатан 6,2 процент ўсди. Меҳнат унумдорлиги 7,6 процент кўтарилди. Олинадиган фойда 16,7 процент ортди. Бюджет бўйича олинган мажбуриятлар тўла бажарилди. Реализация ҳамда рентабеллик бўйича планларнинг бажарилиши корхоналар учун моддий рағбатлантириш фондига қарийб 7 процент, социал-маданий тадбирлар ҳамда уй-жой қурилиши фондига 2,3 процент ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига асосий фондларнинг 1,4 процентининг миқдорида маблағ ажратиш имконини берди.

Ўтган йили қилинган ишларнинг якуни жуда яхши самаралар берганлигини шундан ҳам билиш мумкинки, планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг мукаммал системасига кўчган корхоналар 1967 йил бошида «Ўн учинчи ойлик» деб аталган қўшимча мукофот сифатида 1735 минг сўм олдилар. Бу ҳар бир ишловчи ҳисобига ўртача 8 кунлик иш ҳақи деса арзигулик маблағ.

1967 йил тажрибаларини умумлаштирганда, хўжаликни бошқариш соҳасида ҳали кўпгина ишлар қилиниши лозимлиги аён бўлиб қолади. Ўтган йил ва ундан олдинги йил якунлари биз учун янги сабоқлар даври бўлди дейиш мумкин.

Беш йиллик учинчи йилида министрлик бўйича барча корхоналарни янгича ишлашга кўчиришни тўла тугаллаш белгиланмоқда. Бу корхоналарнинг коллективлари мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, техникани такомиллаштириш ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш усулларини жорий этиш йўли билан меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш тадбирларини кўрмоқдалар. Корхоналар янгича системада ишлашга кўчиш билан улар социал-маданий тадбирларни амалга ошириш, уй-жой қурилиши ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ўз фондларига эга бўлдилар.

Бу маблағлар янги техникани жорий этиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маиший ва омбор биноларини қуриш, уй-жой биноларини қуриш ва уларни капитал ремонтдан чиқаришга сарфланади. Шунингдек, бу маблағлардан болалар муассасалари, пионер лагерлари, ошхоналар, спорт иншоотлари ва бошқа маданий-маиший объектлар учун ҳам фойдаланилади. Корхоналарнинг ўз фондлари ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳамда меҳнаткашларнинг маиший шароитларини яхшилашнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Бироқ, бу фондлардан тўлатўкис фойдаланиш қийин бўляпти. Пудрат ташкилотлари йирик объектларда ишларни яхши ташкил қиладилар. Лекин замонавий техникадан фойдаланиш қийин бўлган кичик объектларни планларига киритмайдилар. Бу эса корхоналар учун номувофиқдир. Бизнингча, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги системасида қурилиш ва монтаж ишларини олиб борадиган махсус трест тузиш лозим. Бу ташкилот хўжалик ҳисобида ишласа яна ҳам яхши. Биз бундай ташкилотнинг тузилишидан манфаатдормиз.

Ҳозирги вақтда республика енгил саноати тез суръатлар билан ривожланмоқда. Шу йил биринчи кварталида ўтган йилнинг уч ойидагига қараганда маҳсулотни реализация қилиш 11 процент кўтарилди. Бироқ, мана бу рақамларни ҳам ўзингизча сарҳисоб қилиб кўринг: Ўзбекистонда трикотаж буюмлар, пойафзаллар, тайёр кийимкечаклар ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига ҳисоблаганда бошқа қардош республикалардагига нисбатан қарийб 2 баравар кам. Ип газлама тайёрлаш бўйича эса аҳоли жон бошига РСФСР бизга қараганда икки баравар устунлик қилади. Енгил саноат товарларига бўлган эҳтиёж эса ортиб бормоқда.

Аммо лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари бу аҳволни холис тан олишмаяпти. Яқин беш йил ичида янги корхоналар қуриш, мавжуд қувватларни реконструкция қилиш йўли билан енгил саноат асосий фондларини уч ҳисса кўпайтириш мўлжалланмоқда. Лойиҳалаш ташкилотлари бундан тегишли хулосалар чиқаришлари, лойиҳа ишлари сифатини яхшилашлари лозим. 1966 — 1967 йилларда Андижон трикотаж фабрикаси, Наманган шойи ва костюмбоп газламалар комбинати, Фарғона пиллакашлик фабрикаси каби корхоналар ишга туширилди. Қурилиш ишлари олиб борилаётганда лойиҳадаги камчиликлар кўринди қолди. Энг муҳими, қурилаётган корхоналар қанчага тушиши нотўғри белгиланган. Лойиҳалаш институтлари ҳозир ҳам шундай қилмоқдалар. Натижада корхоналар қурилиши қимматлашиб кетяпти. Ноўрин харажатларга йўл қўйилмоқда. Технология жараёнларида ҳам камчиликлар бўляпти.

Масалан, Андижон трикотаж фабрикаси қурилиши илгари белгиланганига қараганда 1,3 миллион сўм қимматлашиб кетди. Фарғона пиллакашлик фабрикасини кенгайтириш учун ҳам мўлжалланганидан 0,75 миллион сўм ортиқ сарфланди. Наманган шойи ва костюмбоп газламалар комбинатининг биринчи навбат объектлари қурилишига ҳам 10,5 миллион сўм ортиқча маблағ сарфлаб юборилди. Оқибатда қурилиш муддатлари чўзилиб кетди. Бундай камчиликларнинг бартараф этилиши ҳам енгил саноат буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда катта рол ўйнайди.

Хўжаликни бошқаришнинг янги системасига кўчган корхоналар ишида айрим қийинчиликлар ҳам бор. Буларнинг кўпчилиги моддий-техника таъминоти масалалари билан боғлиқ. Таъминотчилар бир меъёрда ишламайдилар, тузилган шартномаларга аниқ амал қилмайдилар. Бу эса бошқа корхоналарнинг ишига зарар келтирмоқда. Транспорт ташкилотлари ишида жиддий камчиликлар бор. Тайёр маҳсулотларни корхоналардан ўз вақтида ташиб кетиш ташкил қилинмаган. Вагонлар ва контейнерлар вақтида берилмайди.

Яқинда Ватанимиз пойтахти Москвада Бутуниттифоқ иқтисодчилари кенгаши ўз ишини тамомлади. Бу йиғин планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига кўчган корхоналар ишидаги ютуқ-камчиликларни ҳар тарафлама таҳлил қилди. Қийинчиликларни бартараф этиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Аминмизки, юқорида таъкидлаганимиз сингари камчиликлар ҳам тез вақт ичида бартараф этилади.

МАМЛАКАТИМИЗ қардош бинокорларининг яқиндан берган ёрдами туфайли Тошкентда зилзиладан кейин қарийб 2 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Суратда: Тошкентнинг янги уй-жой райони Чилонзор.

С. МАЙСТЕРМАН фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Журналнинг бешинчи сони «Маркс — Ленин иши ишайди ва галаба қилади» сарлавҳали бош мақола билан очилади. Бу сонда тарих фанлари кандидати А. Водолазскийнинг «К. Маркс ва Ф. Энгельс пролетар партияси тўғрисида», иқтисод фанлари кандидати А. Мамедовнинг «Маркс — илмий-сиёсий иқтисоднинг ижодкори» сарлавҳали мақолалари ёритилган.

Журналнинг «Идеология иши ва турмуш» бўлимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари И. Усмоновнинг «Ақл ва қалбларга йўл топиб», Андижон шаҳар партия комитети секретари В. Поветкининг «Мустаҳкам таянч», филология фанлари доктори Л. Қаюмовнинг «Интернационализм — ижодимизнинг лейтмотиви» сарлавҳали мақолаларини ўқиш мумкин.

Шунингдек, журналнинг «Экономика, ишлаб чиқариш, меҳнат», «Муҳим саналар ва воқеалар», «Халқаро темада», «Танқид ва библиография» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материаллар босилган.

МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

КЎЧАЛАР, КЎЧАЛАР...

Бухоро шаҳар партия комитети хабар қилади:

«Совет Ўзбекистони» газетасида (1968 йил 13 март сони) босилган «Кўчалар, кўчалар...» сарлавҳали мақола юзасидан ўтказилган текширишда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Бу масала шаҳар ижроия комитетда муҳокама қилиниб, Гагарин, Ёш гвардия, Зуҳро ва бошқа кўчаларни ободонлаштиришга қаратилган тадбирлар белгиланди. Кўчаларни электрлаштириш, икки четидан ариқлар чиқариш, водопровод келтириш, канализация ўтказиш ва бошқа тадбирлар кўзда тутилмоқда. Шаҳар ижроия комитети кўчаларни тоза ва озода сақлаш учун ҳашар ўтказишни ҳам мўлжаллаяпти.

ПАХТАКОРЛАР САРОЙИ

Тошкентда пахтакорлар саройи қуришга қарор қилинди. Бу сарой қишлоқ хўжалик фани ютуқлари ва илғорлар тажрибасини пропаганда қилувчи марказ, республика, иттифоқ ва халқаро илмий, илмий-ишлаб чиқариш конференциялари, кенгашлар, симпозиумлар ўтказиладиган жой, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш, уларнинг иш малакасини оширишни ташкил этувчи жой бўлиб қолади. Қишлоқ хўжалик илмий-техника жамияти, жамоатчилик асосидаги колхоз ва совхозлар тарихи институти ва бошқа ташкилотлар шу ерда жойлашади. (ЎзТАГ).

Фан ва техника янгиликлари

МУСХЕЛИШВИЛИ АЛГОРИТМИ

ГРУЗИН математиклари электрон рақам машиналари учун яратган универсал программага академик Николай Мусхелишвили методи асос қилиб олинган. Мусхелишвилининг оригинал методлари Закавказьеда энг катта Ингури гидроэлектростанциясини пойҳаловчиларга хизмат қилмоқда, иншоотларнинг зилзилага бардош беришини ҳисоблаб чиқаришда ёрдам бермоқда.

Мусхелишвили алгоритми математик методларнинг амалиётга кириб боришига янги имкониятлар очиб бермоқда, ҳозирга қадар, «номатематик» деб ҳисоблаб келинган бир қанча ҳисобларни автоматлаштиришни енгиллаштирмоқда. Ҳисоблаш марказида эластиклик назарияси, чунончи эластик жисмларда кучланиш ва деформацияланишнинг тақсимланиши масалаларини миқдорий ҳал қилиш усули ишлаб чиқилди.

«СИГНАЛ» — ҲОЗИР-НОЗИР

УКРАИНА ЛКСМ 15 йиллиги номидаги Донецк машинасозлик заводининг механика-йиғув цехида машина ускунанинг ишини контроль қилувчи установкининг саноат намунаси — «сигнал» монтаж қилинди. Установка станокларнинг бекор тўхтаб туришини, унинг сабабларини қайд қилади ва бу информацияни диспетчерлик пультига йўллайди. Бу ерда эндиликда исталган минутда ҳар бир станок тўғрисида энг аниқ ва оператив маълумотлар олиш мумкин.

Биринчи механика цехида уч йилдан бери ишлаб турган ишлаб чиқариш информация йиғув установкаси станокларнинг бекор туриш вақтини икки баравар қисқартиришга имкон берди.

«СТАНКОЛИНИЯ» АВТОМАТЛАРИ

МОСКВАДАГИ «Станколиния» заводи ишлаб чиқаришни ўзлаштираётган 6С-180 моделли автомат станоклари ғоят юқори унум билан ишлайди. 22 майда янги ускунанинг биринчи тажриба нусхалари Куйбишев шарикоподшипник заводига жўнатилди.

Автомат станок конуссимон роликларнинг юзини силлиқлайди. У соатига тўрт минг деталь, яъни ўзидан аввалги станокдагига нисбатан тўрт баравар кўп унум билан ишлайди.

КЎПРИК КЎТАРАДИГАН ДОМКРАТ

КУРГАН областидаги Петухово қуюв-механика заводи кучли домкратлар ишлаб чиқара бошлади. Битта шундай механизм вазни 120 тоннага борадиган юкни кўтара олади. Дастлабки домкратлар кўприк қуриш поездлари учун темир йўл магистралларига жўнатилди.

ҲАЁТ ОЙНАСИ

ХАТЛАРГА ОБЗОР

«Бўка районидаги Калинин ком. ли колхоз меҳнаткашлари шофёр Ҳамид акадан жуда ҳам мамнун, — деб ёзади редакцияга йўллаган хатида ўқитувчи Ў. Ҳайтқулов. — У мактабдан 5-6 километр узоқликда жойлашган участкалардаги ўғил-қизларни ҳар куни машинада элтиб қўяди. Ҳамид ака эрта тонгдан уйқусини тарк этиб, то кечгача навбатчилик қилади, механизаторларни устахонага, колхозчиларни далага... хуллас, ҳамманинг ҳожатини чиқаради. У ширин сўзлиги, ҳалол меҳнати билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонмоқда»

Энди мана бу хатдан парча ўқиб кўрайлик. Уни Гулистон шаҳридаги ишчи ва қишлоқ мухбирлари университетининг тингловчиси М. Пардаев юборган. «Мансур ёшлигиданоқ ўқитувчиликни севарди. Ҳатто ўқитувчиларнинг стулига ҳавас билан ўтирар, юрагига олам-олам қувонч хисси тўлар эди. Ҳозирги кунда эса меҳрибон устод, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, коммунист, республика халқ маорифи аълочиси Мансур ака Ўроловнинг 3. бўлимида — она қишлоғида бир неча йилдан бери физика-математика ўқитувчиси бўлиб ишламоқда». Дарҳақиқат, ҳар қандай буюк кишилар ҳам таъзим қиладиган, умрбод унутмайдиган шахс борки, у — ўқитувчидир. Мана шу олижаноб касб эгалари меҳнатини улуғлайдиган хат-хабарлар редакцияга деярли ҳар куни келиб туради. Уларни санаган билан адо қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, мактабдан ташқарида олиб борилаётган тарбиявий ишлар, намунали ишлаётган мактаб кутубхоналари ҳақида ҳам анчагина хатлар, мақолалар олинди. Маорифни юксалтиришга алоқадор бўлган тадбирлар, яхши ташаббуслар ҳам редакцияга келаётган кўпчилик хатларнинг асосий мавзусини ташкил қилади. Қашқадарёлик ҳаваскор мухбирлар М. Сатторов, Ҳ. Турдиев, Э. Эшмирзаев ва Б. Ҳайбаров, Хоразмдан С. Еқубов, наманганлик А. Маҳсумов, Сирдарё областидан Х. Аъзамов, М. Сонбназаров, Ж. Мамалатипов, М. Пардаев, фарғоналик А. Турдибоев, М. Маматқулов, Бухородан Т. Эргашев, самарқанддик Н. Ҳомидов, Сурхондарё областидан И. Мўминова, И. Турсунов, Р. Наврўзов, О. Муродов ва бошқа областлар ҳамда Тошкент шаҳридаги ишончли газетхонларидан олинган хат-хабарларда ҳам мактаб-маорифга оид қимматли фикр-мулоҳазалар, таклиф ва истаклар баён этилади.

Иккинчи гуруҳ хатлар эса шифокорларга бағишланади. Халқ соғлигини сақлаш соҳасида ситқидилдан меҳнат қилаётган бутун-бутун коллективлар айрим ташаббускор мутахассислар, меҳрибон врачлар тўғрисида меҳнаткашлар ҳаяжонланиб ҳикоя қиладилар, уларга миннатдорчилик билдирадилар. Оққўрғон районидаги Оққўрғон совхозининг 4- бўлимида истиқомат қилувчи Т. Мирқурбонов юборган миннатдорчилик хати ҳам худди ана шу рухда битилган.

Лекин шу билан бирга, меҳнаткашларнинг ҳақли талаб-эътироз-ларига қиё боқмаётган, беморларга қўполлик қилаётган, уларга амалий ёрдам бериш ўрнига ювраю-сарсон қилаётган баъзи «шифокор»лар медицина муассасалари ҳақида ҳам танқидий материаллар келмоқда. Совет врачи ва медицинасига мутлақо ёт бўлган бундай ҳаракатларни ҳамма ерда қораламоқ, тартибга солмоқ, энг аввало, медицина муассасалари раҳбарларининг жонажон иши бўлса, қолаверса бутун жамоатчиликнинг ҳам муқаддас бурчидир.

Кейнинги йилларда маърифат ва маданият ўчоқлари бўлган кутубхоналар ишини яхшилаш борасида анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Редакцияга келаётган хатларда бу оммавий ҳаракат ўз аксини топмоқда. Андижон область радиосининг ходими йўллаган «Ишчан кутубхоначи» номли материалда қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «Кутубхона — тенги йўқ билим манбаидир, — дейди биз билан суҳбатда Андижон районидаги Киров номли колхознинг ишчан кутубхона мудири Қизлархон Қўзибоева. — Кишилар китоб, газета ва журналлар ўқиб, қанчадан-қанча янгиликларни билиб оладилар, ўз савияларини ва маданиятларини оширадилар». Кутубхоналар ва уларнинг энг яхши ходимлари меҳнатини улуғлайдиган хат-хабарлар республикамизнинг деярли ҳамма областларидан келаётир.

Хуллас, ўқитувчилар ва маориф ходимлари, шифокорлар ҳамда маърифат ташувчилар ҳақидаги хатларни диққат билан ўқиб, ҳаётимиз, кундалик турмушимиз борган сари юксалиб, мазмунан бойиб бораётганини кўрамиз.

ҚОҒОЗДА ВА АМАЛДА

Советлар ва 5 кунлик иш ҳафтаси

Яқинда Андижон ирригация машинасозлиги заводининг ишчи-хизматчилари даврасида бўлишга тўғри келди. Корхона мастери Комилжон ака Абдураҳимов билан суҳбатлашиб қолдик.

— Дардни яширсанг иситмаси ошкора қилади, — дея гап бошлади Комилжон ака, — йигирма етти йилдирки, шу корхонадаман. Заводда 900 га яқин киши ишлайди. Катта даргоҳ. Лекин ишчилар тўғрисида ғамхўрлик сезилмайди. Ҳатто клубимиз ҳам, ишдан сўнг, шанба, якшанба кунлари мириқиб ҳордиқ чиқарадиган кўкаламзор майдонча ҳам йўқ. Янги биноga кўчганимизга икки йилдан ошди. Завод атрофини кўкаламзорлаштириш ҳеч кимнинг эсига келмаяпти.

Эрта баҳорда завод касаба союзи ташкилоти кўзиқорин теришни сайили, балиқ ови уюштириб, яхши иш қилган эди. Лекин транспорт етарли бўлмагани учун бундай сайилларга кўпчилик боролмаяпти. Дам олиш кунлари шаҳардан ташқарига чиқмоқчи бўлсанг, кўп вақтинг автобус кутиш билан ўтади. Махсус автобуслар бўлса, истаган жойингизга бориб келасиз. Айрим кишилар оилавий сайилга чиқишни истайди. Уларга автобус катталик қилади. Автомобиль хўжаликларининг раҳбарлари бу ҳақда ўйлаб кўришар деган умиддамиз.

Хушманзара, соя-салқин жойларда бир-икки кунлик дам олиш уйлари, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, ошхона, чойхона, озиқ-овқат дўконлари очилса бўлмасмикин? Ҳар бир маҳаллада мириқиб дам олишга мослаштирилган қизил чойхоналар очилиши, уларда хушфеъл, ширинсухан одамлар ишлашини истардик.

Комилжон ака дилидаги гапларни айтди.

Энди бевосита аҳолига хизмат кўрсатадиган ташкилот раҳбарларидан эшитинг:

Ҳабиба Зулунова, — Андижон шаҳар бирлашган кинотеатр дирекциясининг бошлиғи:

— Икки кун дам олишга ўтилгач, кино мухлислари кескин кўпайди. 1966 йилнинг тўртинчи кварталида 546 минг киши кинога жалб қилинган бўлса, 1968 йилнинг ўтган уч ойида 800 минг томошабинга хизмат кўрсатилди.

Меҳнаткашларга қулай бўлсин деб, саноат корхоналари, қурилиш ва алоқа ташкилотларига, мактабларга бориб билет тарқата бошладик. 100 дан ортиқ кино-ташкилотчи жамоатчилик асосида шу иш билан шуғулланмоқда.

Йил бошидан бери кино-театрларда донгдор кишилар билан уч марта учрашув, тўрт марта кинофестиваль ўтказилди. «Ўртоқ», «Нодира» кинотеатрларида томошабинлар конференциялари бўлди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси дам олиш кунларида амалга оширилди.

Ф. Абдуллаев, — 2511-автоколонна директори:

— Бизнинг адресимизга айтилаётган таъналар тўғри. Ундан тегишли хулоса чиқариб оламиз. Ҳар шанба, якшанбада Арслонбоб, Яшил кўприк, Комсомол кўли, Завроқ адирлари, Жалолобод, Маданият, Мойлисой, Норин соҳиллари каби хушманзара жойларга борадиган автобуслар сонини 30 тага кўпайтириш тадбирларини белгиладик.

Бундан ташқари, саёҳат ва экскурсияга борувчилар учун махсус туристик автобуслар ажратилди. Автоколоннамиз якка оилалар учун ҳам ана шундай автобуслар бериш имкониятига эга. Хоҳлаган ташкилот ва одамлар дам олиш кунлари қулай имкониятлардан фойдаланишлари мумкин.

С. Солиев, — Андижон шаҳар ижроия комитетининг раиси:

— Бир неча ойдирки, шаҳар саноат корхоналари беш кунлик иш ҳафтасига ўтиб ишламоқдалар. Бунга олдиндан пухта тайёргарлик кўрилди. Шаҳар Советининг депутатлари ва доимий комиссиялари корхоналардаги аҳволни атрофлича ўргандилар. Маданий-маиший хизмат, савдо-сотиқ ишлари қандай йўлга қўйилганлиги аниқланди. Тўпланган фикр ва мулоҳазалар шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида муҳокама қилинди, меҳнаткашларнинг дам олишини намунали уюштириш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Шаҳарда транспорт қатнови бир оз тартибга солинди. Янги маршрутлар очилди, машиналар сони кўпайтирилди, кутубхона ва клублар қайта жиҳозланди. Шаҳар маданият уйида бичиш-тикиш, эстрада, духовой оркестр тугараклари, рус халқ драма театри мунтазам ишлаб турибди. Қувноқлар ва зийраклар клуби ташкил этаётган кечалар ғоят қизиқарли ўтяпти.

Шаҳар саноат корхоналарининг раҳбарлари билан ҳамкорликда меҳнаткашларнинг ёзги дам олишига алоҳида эътибор беряпмиз. Андижон машинасозлик заводи Арслонбобда 730 кишилик туристик лагерь очган. Ҳар йили ёзда завод ишчилари ва уларнинг фарзандлари навбат билан ўн икки кундан ҳордиқ чиқариб келишади. Бу йил лагерь янада кенгайтирилмоқда.

Бундан ташқари, областнинг хушманзара жойларида дам олиш уйлари қуриш белгиланмоқда. Хўжаобод районидаги «Правда», «Ленинизм» колхозлари атрофидаги тоғ ёнбағирларида дам олиш зоналари қурилиши бошлаб юборилди.

Дарҳақиқат, шаҳар Совети ижроия комитетининг маданий-маиший хизмат, дам олишни намунали ташкил этишга қаратилган тадбирлари кўп. Лекин бу тадбирлар кўпнинча қоғозда қолиб кетмай, кун сайин амалга оширилишини истардик.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



БУХОРО. Навоий шаҳрининг бугунги қиёфаси.

А. УСМОНОВ фотоси. (ЎзТАГ).

РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ–ТИНЧЛИК ТИМСОЛИ

Шу йил 28 май куни редакциямизга СССР Журналистлар союзи ва Узбекистон ССР Журналистлар союзининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган ҳинд журналисти ва ёзувчиси, «Нагпур таймс» газетасининг бош редактори жаноб Шэорей ташриф буюрди. Ҳиндистонлик меҳмон «Совет Узбекистони» журналистларининг иши, турмуши билан қизиқди, дўстона суҳбат қурди, ўзбек ҳамкасбларининг саволларига жавоб берди. Қуйида биз ҳинд журналисти ва ёзувчиси Шэорейнинг «Совет Узбекистони» журналистлари билан учрашувда ўқиб бериш учун махсус тайёрлаган мақоласини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

* * *

Тошкент тинчлик тимсолига айланиб қолди. Тинчлик учун толмас курашчи, Ҳиндистоннинг марҳум бош министри Шастри умрининг охирги кунларини шу ерда ўтказди. Тошкентга келганимдан жуда ҳам бахтиёрман. Ҳинд миллатининг буюк вакили Шастри ҳаётини тинчликка бағишлаган эди. У Ҳиндистоннинг, унинг кўҳна ва бой маданиятининг ҳақиқий вакили эди. Бундай ваколатни у мамлакатда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда биродарлик иши учун сафарбар этди. Покистон ва Ҳиндистон ўртасида Тошкентда имзоланган битим унинг бу соҳада, яъни тинчлик учун кураш йўлида олиб борган иши тўғрисидаги охирги ҳужжатлардан биридир.

Шундай қилиб, Тошкент тарихда муҳим ўрин эгаллайдиган бўлиб қолди. Тошкент тарихни ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшди. Бу тарихий ҳодиса Тошкентда, худди шу ерда думалоқ стол атрофида содир бўлди.

Шу муносабат билан мен қуйидаги вазият тўғрисида гапиришни истардим: биз бир-биримиз билан худди Тошкентда бўлган каби гапиришмоғимиз, бир-биримизни тушунмоғимиз лозим. Тошкентнинг руҳини фаолиятимизнинг барча жабҳаларига ёймоғимиз керак. Мен дунёда, гражданларнинг фаровонлиги учун, эртанги бахтли келажак учун халқ томонидан яратилган ажойиб замонада барча кескинликлар ва тўқнашувларни бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблайман. Дунёни самимий дўстлик ва бахт-саодат муносабатлари дунёсига айлантириш бизнинг бурчимиздир.

Машҳур Ҳиндистон — Покистон битими Тошкентда имзоланган экан, бунинг учун биз энг аввало, Совет Иттифоқидан, совет дўстларимиздан миннатдормиз.

Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи ўртасидаги улкан дўстлик турли социал системадаги ва турли социал қарашларга эга бўлган буюк давлатлар биргаликда яшаши, тинчлик ва дўстлик вазиятидагина эмас, балки иккала мамлакат халқлари фаровонлиги учун биргаликда меҳнат қилишга интилиш жараёнида яшаши мумкинлигининг ажойиб намунасидир. Бу экономика, маданият ва фан соҳасидаги ютуқларимизни сақлаш учун куч-ғайратимизни аямасдан меҳнат қилганимизда, кишилар ўртасида ҳозир амалда мавжуд бўлган тинчлик ва чинакам қардошликка интилганимиздагина рўёбга чиқиши мумкин. Дунёда осойишталикнинг таъминланиши тинч-тотув яшаш принципларига асосланган дир. Бу дунёдаги барча мамлакатларнинг мададига муҳтож бўлган ягона принциплардир.

Тошкент Осиё ва Европа маданияти бир-бири билан боғланиб кетган тарихий шаҳардир. Тошкентнинг ролини баҳолаш учун сўз топа олмаётганимни яна бир бор қайд қилмоқчиман. Бу ерда ўтказилган тарихий учрашув кишилар қалбида узоқ вақтларгача сақланиб қолади. Келинг, совет кишилари ва Ҳиндистон аҳли Тошкентда эришилган дўстликни мустаҳкамлаш учун қўлни-қўлга бериб курашайлик.

Учрашувда ҳиндистонлик меҳмон Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳат қилиш имконини яратиб берган СССР Журналистлар союзи ва Узбекистон ССР Журналистлар союзига самимий миннатдорчилик билдирди. У бундан икки йил муқаддам табиий офатга дучор бўлган ва жуда катта зарар кўрган Тошкентни муваффақиятли равишда қайта тиклаётган қаҳрамон ўзбек халқига қойил қолганлигини эътироф этди.

Жаноб Шэорей ўзбек халқининг фан ва маданият, санъат, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқлари унда жуда катта таассурот қолдиргани марок билан ҳикоя қилиб берди. Пировардида жаноб Шэорей ўзбек ҳамкасбларини Ҳиндистоннинг хозирги матбуоти қандай вазиятда иш олиб бораётгани билан таништирди, ўзбек халқига республика экономикасини мустаҳкамлаш ва бутун халқнинг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган планларни муваффақиятли бажариш учун энг яхши истаклар билдирди.

Жаноб Шэорей дунёдаги барча халқларни ва энг аввало журналистларни урушларга қарши, тинчлик учун курашни кескин кучайтиришга кучғайратларини аямасликка чақирди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БОЙЛИКЛАРИ

ШАҲРИСАБЗ МАРМАРИ

Қашқадарё геологияразведка экспедициясининг ўртоқ Ю. Илҳомов бошлиқ Ғилон геология партияси коллективи бир йил давомида Шаҳрисабз районининг шимоли-ғарбий қисмидаги майдонларда қидирув ишларини олиб боришди. Излаш-изланишлар зое кетмади. Улар Биркунли, Ҳазрантут, Тошқалъа, Говхона майдонларида йирик мармар конини топдилар.

— Келажакда бу ерда катта мармар заводи қад кўтаради, — деди экспедиция бошлиғи ўртоқ Х. Ғадоев. — Конни нг запаси заводнинг бир неча ўн йиллар давомида ишлаб туришини таъминлайди. Мироқи мармари қурилажак Тошкент метроси станцияларини ҳам безайди, Ҳозир геологларимиз мазкур майдонда қидирув-разведка ишларини давом эттирмоқдалар.

М. АЗИЗОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
(3-канал)

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Қўшиғимиз янграсин, 18.30 — Телеянгиликлар, 18.45 — Реклама ва эълонлар, 18.55 — Музикали календарь, 19.40 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 19.45 — Ёркин ҳаёт (тележурнал), 20.50 — Телеянгиликлар, 21.05 — Ота-оналар университети, 21.45 — Телефильм, 22.05 — Навоий гулшани.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
(5-канал)

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 18.00 — Иншони қандай ёзиш керак? (Олий ўқув юртларига кирувчилар учун), 18.30 — Математикадан машғулот, 19.30 — Телефильм.

20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
(9-канал)

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 — Илмий-оммабоп фильм (рус тилида).

Ўзбек тилида: 20.10 — Тафаккур илҳоми (телефильм).

Рус тилида: 20.25 — Техника тараққиёти кўзгуси (илмий оммабоп фильм), 20.45 — Тоғдаги застава (бадиий фильм).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/IV да Ўғил уйлантириш, 1/VI да Кулги кечаси.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Рад этиш — «ЧАПКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Итальянча ўғрилик — «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Яхши жойлашибсан — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Анна Каренина — «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11, кундуз 1.40 минутда, 5 да ва кеч 7 яримда).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.45 минутда ва 10 яримда бошланади)

Шарқ йўлаги — «РАКЕТА».

Энг узун тун — НАВОИ номли.

Итальянча ўғрилик — «ФЕСТИВАЛЬ».

Рад этиш — «ХИВА».

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРНИНГ ЁЗЛИК БИНОСИДА
1 ИЮНДА

КУЛГИ КЕЧАСИ

театр репертуаридаги музикали комедиялардан саҳналар

ТОШБОЛТА ОШИҚ
ЖОН ҚИЗЛАР
ГАВҲАРИ ШАМЧИРОҚ
ЗАРАФШОН ҚИЗИ
ЎҒИЛ УЙЛАНТИРИШ
ИККИ БИЛАГУЗУҚ

Қатнашадилар:

СССР халқ артисти — Лутфихоним САРИМСОҚОВА;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари — Турсунхон ЖАЪФАРОВА, Эътибор ЖАЛИЛОВА, Фароғат РАҲМАТОВА, Абдурауф БОЛТАЕВ, Маҳмуджон ҒОФУРОВ, Соиб ХУЖАЕВ, Ҳамза УМАРОВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — Сурмахон АЛИЕВА, Оминахон ФАЕЗОВА, Тамара НАЗАРОВА, Бахтиёр ИХТИЁРОВ, Рихсибой ШОКИРОВ, Суръат ПУЛАТОВ;

артистлар — Гулсара ЕҚУБОВА, Марьям КАРИМОВА, Райҳон ТУРАЕВА, Наима ИСҲОҚОВА, Турсуной МАМЕДОВА, Адиба МИРЗАЕВА, Хадича АЛИМАРДОНОВА, Файзулла АҲМЕДОВ, Толибжон БАДИНОВ, Собиржон РАҲИМЖОНОВ, Ҳусан ШАРИПОВ, Сотиболди ЮЛДОШЕВ ва бошқалар

Кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
31 май ва 1 июнь кеч соат 7да СССР биринчилиги учун «А» классидаги «ДИНАМО» (Тбилиси) — «ПАХТАКОР» командалари ўртасида

ФУТБОЛ

31 май — дублёр, 1 июнь асосий составлар учрашуви.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ ҚУРИЛИШ ВА МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТЛАРИ ҲАМДА БОШҚАРМАЛАРИГА

ғишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, бўёқчилар, бетончилар, арматурачилар, автокранчилар, шоферлар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай асосида тўланади.

Қурилиш касбига эга бўлмаганлар юқорида кўрсатилган ҳунарларга Бошқарманинг ўқув комбинатидаги қисқа муддатли курсда ўқиб чиқишлари мумкин.

Ўқиш давомида 60 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Главташкентстрой ташкилотларида доимий ишлаш учун қабул қилинган бошқа шаҳардан келганларга КЗОТнинг 82-моддаси бўйича компенсация тўланади.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланади. Квартира масаласи навбати билан ҳал қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, А. Тўқаев кўчаси, 5-уй.

«НИИСТРОМПРОЕКТ» ИНСТИТУТИГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича инженер ва техниклар: қурувчилар, архитекторлар, механиклар, сметачилар, иқтисодчилар, электриклар, автомобиль темир йўл ва кўприк лойиҳачилари, йўлчи-қидирувчилар, топографлар, иситиш, вентиляция ва теплотехника бўйича; меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш бўйича катта инженер, смета бўйича бош мутахассис, шунингдек электриклар, слесарлар, электр-газ пайвандчилар, слесарь-газовик, ғишт ишлаб чиқаришда лойиҳ намловчилар, қуйдирувчи, ғишт қирқувчи, ёрдамчи ишчилар, машинистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 66-уй, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ТОЛ ЗАВОДИГА

тош йўнувчилар (ишбайга).

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қорасарой кўчаси, 316-уй, кадрлар бўлими (7-троллейбус, 42, 45, 77-автобуслар нинг «Чуқурсой» бекати).

«СРЕДАЗНЕФТЕГАЗСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ

5 махсуслаштирилган бошқармаси қошидаги иссиқлик изоляцияси бўйича янги ташкил қилинган қурилиш монтаж участкасига

иссиқлик изоляцияси бўйича изолировкачилар, том ёпувчилар, тунукасозлар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Иш ҳақи — ишбай асосида, кўчма характердаги иш учун 45% дан 80% гача қўшимча ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-81, Домбробод механизация бошқармасининг кадрлар бўлими, 6, 24 автобусларнинг охирги бекати. Телефон Ж-7-14-77.

«УЗГЛАВМЕТАЛЛОСНАБСБИТ»ГА

катта инженерлар, инженерлар, иқтисодчилар, металл бўйича товаршунослар, малакали машинистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Уста Ширин кўчаси 136-уй (7-троллейбус, 43-автобуснинг «Узглавметаллосснабсбит» бекати). Телефонлар 4-18-73, 4-16-77).

11-«Высотстрой» қурилиш трестининг

2-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

дурадгорлар, монтажчилар, ғишт терувчилар, бетончилар

КЕРАК

Ёлғиз кишиларга ётоқхона берилади.

Оилалилар 2 йил ичида уй билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пахтакор кўчаси, 5-уй, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Экономика институти дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари институтнинг катта илмий ходими, экономика фанлари кандидати С. Қодировга онаси

Ҳабиба РАҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Шўрвли мамлакатларда

ҲАММА НАРСА ИНСОН УЧУН

БЕРЛИН, 29 май. ТАСС мухбири М. НИКИТОЧКИН хабар беради: Германия Демократик Республикаси болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунини ёш авлодни тарбиялаш ишидаги катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Немис меҳнаткашларининг республикасида одамга ғамхўрлик ва айниқса ёш авлодга ғамхўрлик асосий қонун бўлиб қолди ва бу нарса шу йил 6 апрелда умумхалқнинг овоз бериши билан маъқуллаган Германия Демократик Республикасининг янги социалистик конституциясида мустаҳкамланди. Шу конституциянинг 108 моддасидан 9 таси оналик, болалик ва оилани ҳимоя қилишни, болаларни тарбиялашга ёрдам ва мадад бериб туришишни гарантиялайди.

Германия Демократик Республикасида меҳнаткашларнинг болалари жисмоний ва маънавий жиҳатдан мукаммал бўлиб ўсишлари учун ҳамма имкониятлар бор. Ўрта мактабларда ўқувчилар сони кейинги 10 йил ичида 80 минг нафар кўпайди. 2 миллиондан кўпроқ киши ўрта политехника мактабларида ўқимоқда. Ҳар йил кўпгина янги мактаблар очилмоқда. Бу мактаблар педагогиканинг энг янги талабларига мувофиқ жиҳозланган.

Давлат халқ маорифи эҳтиёжларига бу йил 4 миллиард маркадан кўпроқ пул ажратди, бу пул бюджетнинг 7 процент чамасини ташкил қилади.

Болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этишга ўтган йил 195 миллион марка сарфланган эди, бу йил эса, тагин ҳам кўпроқ пул сарфланади. Мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги ўзларининг ёзлик каникулларини пионер лагерларида ўтказадилар. Республикада 3800 тага яқин пионер лагерлари бор.

Мактабгача ёшда бўлган ҳамма болаларнинг 50 процента болалар боғчасида тарбияланмоқда. Бу йил болалар боғчалари яна 32 минг ўринли қилиб кенгайтирилади.

ФРАНЦИЯ МИЛЛАТ МАЖЛИСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

ПАРИЖ, 29 май. (ТАСС). Кеча кечқурун Франция Миллат мажлисининг йиғилиши бўлди. Бироқ, депутатлар жойларининг ярмиси бўш эди. Ҳукумат аъзолари Жанненэ ва Ширак мамлакатдаги социал аҳвол масаласи устида гапираётганларида коммунистлар ҳамда демократик ва социалистик сўл кучлар федерациясининг аъзолари йиғилишни ташлаб чиқиб кетишди.

Франция Коммунистик партиясининг ҳамда демократик ва социалистик сўл кучлар федерациясининг вакиллари, мамлакатдаги кескин аҳволни ҳисобга олганда Миллат мажлисида бош министрнинг ўзи гапириши керак эди, дейишди.

АМЕРИКА ҚУШМА ШТАТЛАРИНИНГ марказидаги 7 та штат территориясида жуда кучли бўрон бўлди. У кўпгина шаҳар ва қишлоқларнинг хўжаликларига анчагина зиён етказди. Суратда: Чарльз-Сити (Айова штати)да яшовчи Флойд Файзер хотини билан бирга бўронда вайрон бўлган уйи олдида.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ пойтахти — Прага шаҳрида метро қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Ер ости йўлининг узунлиги 21 километрга етади. Прага метрополитени совет мутахассисларининг техник ёрдами ва ҳамкорлигида қурилмоқда. Суратда Вацлав майдонининг Водичково ва Индржиш кўчалари туташган районида қурилиш ишлари олиб борилаётган пайт тасвирланган.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ФОЙДАЛИ

Ироқ қишлоқ хўжалик ва ер ислоҳоти министри Абдул Карим Фарҳон бошчилигида Ўзбекистонда меҳмон бўлган шу мамлакат делегацияси 29 майда Тошкентдан жўнаб кетди.

Меҳмонлар Ўзбекистоннинг илмий-тадқиқот институтларида бўлдилар, Мирзачўлда янги ерларнинг ўзлаштирилиши билан танишдилар. Ироқдан келган вакиллар қишлоқ хўжалик ишларининг механизациясига алоҳида эътибор бердилар. Улар мамлакатимиз учун пахта терим машиналари ишлаб чиқараётган ва жаҳоннинг 16 мамлакатига техника экспорт қилаётган «Ташсельмаш» заводини бориб кўрдилар.

Абдул Карим Фарҳон Тошкентдан жўнаб кетиш олдидан ЎзТАГ мухбири билан қилган суҳбатида бундай деди:

— Биз Узбекистон қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида — пахтачиликда, ирригацияда, мелиорацияда, ишларни механизациялашда юксак даражага эришганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнида дуч келадиган проблемаларни ҳал қилиш учун сизда ҳамма имкониятлар бор. Сиз фан билан практиканинг ўзаро маҳкам боғланишига эриша олгансиз. Олимларнинг бераётган маслаҳатларнинг самарали эканлигини Мирзачўлда кўриб қаноат ҳосил қилдик. Деҳқонлар бу ердаги шўрхок тупроқда пахтадан муттасил мўл ҳосил олиб келмоқдалар.

Узбекистон билан алоқаларни кенгайтиришнинг нафи жуда кўп бўлар эди. Бунинг устига сизнинг иқлим шароитингиз бизникига яқин.

ПОРТУГАЛИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛАРИГА ЗАРБА

ДАКАР, 29 май. (ТАСС). Бу ерда эълон қилинган ахборотда айтилишича, «Португалия» Гвинеяси Озодлик армиясининг жангчилари май ойи ичида Португалия мустамлакачилари қўшинларининг солдат ва офицерларидан 90 кишини яксон қилганлар.

Ўз мамлакатини Португалиянинг мустамлака ҳукмронлигидан озод қилиш учун курашаётган ватанпарварлар, дейилади ахборотда, душманнинг бир қанча катта лагерларини тор-мор келтирдилар, ўқ-дорилар ва қуролярогларни қўлга туширдилар.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА

МАРТИН ЛЮТЕР КИНГГА НЕРУ МУКОФОТИ

Марҳум Мартин Лютер Кинг халқаро ҳамжиҳатликни ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун Жавоҳарлал Неру мукофоти билан тақдирланди. Бу мукофот халқаро ҳамжиҳатликни таъминлаш, жаҳон халқлари ўртасида холис ният ва дўстликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган жуда катта ҳисса учун берилади.

ЯНА ОТИШМА

28 май эрталаб исроилликларнинг ғаламислиги билан Дамия кўпригининг шимолида уч марта отишма бўлди. Уларнинг тўп отишларига жавобан иорданияликлар ҳам ўт очиб, душманнинг артиллерия позицияси бостиришга муваффақ бўлдилар. Иордания томони талафот бергани йўқ.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КООПЕРАТИВЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

Мамлакатни социалистик индустриалштириш каби қишлоқ хўжалигини кооперативлаштириш ҳам миллатнинг иқтисодий ривожланиши учун зарур шартдир. Бу фикр Мали қишлоқ хўжалигини кооперативлаштириш масалаларига бағишланиб, республика президенти Модибо Кейта раислигида ўтказилаётган биринчи миллий семинар муҳокамасига қўйилган докладларнинг бирида ифодаланган.

Семинар қатнашчилари муҳокама қилаётган докладда, қишлоқ хўжалигини кооперативлаштириш ривожлана борган сари бу нарса қишлоқдаги капиталистик унсурларни тугатишга олиб келади. Сўнгра доклад авторлари музокараларни бошлаб берган президент Модибо Кейтанинг фикрини давом эттириб, ҳозирги вазифа илмий социализмнинг муштарак принциплари билан қуролланиб, бу принциплардан Малининг конкрет шароитига татбиқан фойдаланиш кераклиги ҳозир асосий бир вазифа эканлигини таъкидладилар.

ЛАОС ХАЛҚИГА МАДАД

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти доимий секретариатининг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг доимий секретариати Лаос халқига қарши Америка империалистлари ва уларнинг малайлари томонидан қилинаётган жиноятларни қатъиян қоралайди. «Осиё ва Африка халқлари номидан доимий секретариат ташкилот аъзоларини ва бутун тинчликсевар инсониятни Қўшма Штатлардан Лаос территориясини бомбардимон қилишни дарҳол тўхтатишни, АҚШ ва малайларининг қўшинларини Лаосдан олиб чиқиб кетишни, мамлакатнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳурматлашни, Лаосга доир 1962 йилги Женева битимларини бажаришни, Лаос халқига ўзининг ички ишларини ўзи ҳал қилиш имкониятини беришни талаб қилишга чақирди.

АЙТИШЛАРИЧА...

Вашингтондагилар Макнамара ва Уэстмореллдан кейин истеъфо бериш учун Дин Раск навбат кутиб турган эмиш. Унинг истеъфога чиқиши АҚШнинг ташқи сиёсати муносабати билан жамоатчиликнинг тобора кўпроқ нафратига дучор бўлаётган Жонсоннинг аҳволини енгиллаштирган бўлар эмиш.

Нью-Орлеан прокурори Жим Гаррисон шахсий суҳбатлардан бирида марҳум президент Кеннединнинг укаси Роберт Кеннедини сўроқ қилиш учун судга чақиражаклигини айтган.

Кёльндаги карнавал ташкилотчилари ГДР президенти Любкени аския қилишни ман этиш тўғрисида қарор чиқаришди. Фақат «ўта ўткир ва нишонга тегадиган фикрлар»гина бундан мустаснодир. Жумладан «Бизнинг президентимиз жуда фозил ва маданиятли киши. Унинг 8 яшарлигида айтган гаплари ҳам хозиргиларидан жуда кам фарқ қилади» деган гаплар ана шулар жумласидандир.

Британия парламентининг аъзоси Дональд Доннели вильсонча ҳукуматнинг келажагини тасвирловчи ҳикоя ёзганлиги учун лейбористлар партияси сафидан чиқарилмоқчи. У ўз ҳикоясида бутун мамлакат бўйлаб ўтказилмоқчи бўлаётган намойишлар, фунт стерлингнинг янги танглиги ва бошқа қийинчиликлар тўғрисида ёзган. Ҳикоя «Бўрон яқинлашмоқда» деб аталади.

(«Литературная газета»дан).

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Узбекистоннинг ҳамма областларида булут кам бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди, 27-30 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. 3-7 метр тезликда шамол эсади, 27-29 даража иссиқ бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469. Марксизм-ленинизм назариясини ёритиш ва пропаганда қилиш — В31216. Халқаро ҳаёт — В37604. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85. Бухоро 31—41. Карши 3—08. Нукус 42—62. Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

Б № — 125. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633 Р. 08467.